



ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

www.th.uz

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИБАНК ПЛАСТИК КАРТОЧКАЛАРИДАН
ФЙДАЛАНГАН ҲОЛДА ҲИСОБ-КИТОБ ТИЗИМИНИ
РИВОЖЛАНТИРИШНИ РАҒБАТЛАНТИРИШ БЎЙИЧА
ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Пул муомаласи тизими-ни такомиллаштириш, нақд пулсиз ҳисоб-китобларни ривожлантиришнинг рағбатлантириш ва банкдан ташқари нақд пул айланмасини қисқартириш, аҳолининг банк пластик картотчкаларидан фойдаланган ҳолда тўловларни амалга ошириши учун қўлай шарт-шароит яратиш ҳамда илгор банк технологияларини жорий этиш асосида хизмат кўрсатиш сифатини янада ошириш мақсадида:

1. Республикада пластик картотчкаларни ва нақд пулсиз ҳисоб-китобларни ҳимоя қилишнинг самарали механизми яратилгани маълумот учун қабул қилинсин. Ушбу механизмга биноан:

ҳар бир пластик картотчка эгаси картотчка ҳисоб-рақамидан пул маблағларини тасарруф этиш ҳуқуқини тасдиқловчи шахсий идентификация рақами (ПИН-код)га эга бўлиб, у нотўғри терилган тақдирда пластик картотчка автоматик тарзда блоктировка қилинади;

беғона шахсларнинг сохталаштириши ва рухсатсиз фойдаланишига йўл қўймайдиган микрочипли модулла ва маълумотларни шифрлайдиган тўрт поғонали тизимга эга пластик картотчкалар орқали ҳисоб-китобларни амалга ошириш борасида ягона "Ўзкарт" тўлов тизими фаолият кўрсатмоқда;

пластик картотчкалардан фойдаланган ҳолда мижозлар ҳисоб-рақамидан маблағ ечиш ва унга пул ўтказиш Умумиереспублика ягона процессинг маркази орқали амалга оширилади, бу мижозлар ҳамда

сотувчиларни турли қаллоблик ва алдовлардан ҳимоя қилишни таъминлайди.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, тижорат банклари пластик картотчкалар, ҳисоб-китоб терминаллари, банкоматлар ва бошқа махсус жиҳозларни юқори даражада ҳимоя қилиш бўйича белгиланган талабларга риоя этилиши устидан қатъий тизимли назоратни таъминласин, пластик картотчкалардан фойдаланиш орқали нақд пулсиз тўловларни амалга оширишда сохталаштириш ҳамда фирибгарликларни истисно этадиган қўшимча чора-тадбирларни кўрсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, Ўзбекистон банклар ассоциацияси ва тижорат банклари томонидан ишлаб чиқилган 2010-2011 йилларга мўлжалланган банк пластик картотчкаларидан фойдаланган ҳолда нақд пулсиз ҳисоб-китоблар бўйича махсус жиҳозлар тармоғини қўшимча кенгайтиришга доир прогноз кўрсаткичлар 1-иловага мувофиқ маъқуллансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий вазирлиги, Молия вазирлиги, Марказий банки, Давлат солиқ қўмитаси, Ўзбекистон банклар ассоциацияси ва тижорат банклари бўйича аҳоли билан пул ҳисоб-китобларини амалга оширадиган ва банк пластик картотчкаларидан тўловлар қабул қилиш бўйича ҳисоб-китоб терминаллари билан жиҳозланиши шарт бўлган чакана савдо ҳамда хизмат кўрсатиш объектларининг пластик картотчкаларидан тўловлар қабул қилиш талабларига сўзсиз риоя қилишини таъминласин;

риш тўғрисидаги тақлифига (2-илова) розилик берилсин.

4. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, шаҳар ва туманлар ҳокимликлари манфаатдор давлат ҳамда ҳўжалик бошқаруви органлари, тижорат банклари билан ҳамкорликда 2011 йилнинг 1 январига қадар мазкур қарорнинг 2-иловасига мувофиқ рўйхатга киритилган чакана савдо ва аҳолига хизмат кўрсатиш объектларини банк пластик картотчкаларидан тўловларни қабул қилиш бўйича ҳисоб-китоб терминаллари билан жиҳозлаш чораларини кўрсин.

Белгилаб қўйилсинки, юқоридаги рўйхатга киритилган ҳўжалик субъектларининг тўлов терминаллари билан жиҳозлаш ва улардан фойдаланишда оид талабларга риоя қилмаслиги назорат-касса машиналари билан жиҳозлаш ва улардан фойдаланиш тартибини, савдо ва хизмат кўрсатиш қоидаларини бузишга тенглаштирилиши ҳамда уларга қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгарлик юкланади.

5. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси:

аҳоли билан пул ҳисоб-китобларини амалга оширадиган ва ҳисоб-китоб терминаллари билан жиҳозланиши шарт бўлган чакана савдо ҳамда хизмат кўрсатиш объектларининг қонунчиликка биноан банк пластик картотчкаларидан тўловлар қабул қилиш талабларига сўзсиз риоя қилишини таъминласин;

(Давоми 2-бетда).

ҚИШЛОҚ МУЛҚДОРЛАРИ

ТЕКИС УНГАН КЎЧАТГА
СИФАТЛИ ИШЛОВ КЕРАК

Айни чигит экиш мўддати келган пайтда об-ҳаво пахтакор билан беркинмачоқ ўйнагандек, кўнига турланиб турди. Бундай вазиятда анча тажрибали деҳқон ҳам иккилашиб қолши мумкин. Лекин

пискентлик айрим дадил фермерлар иккилашмай, экишни биринчилардан бўлиб бошлаган эдилар. Эрта эккан эрта ўради, деганларидек, энди дастлабки ишловга ҳам биринчилар қаторида киришдилар.

Хусусан, Толибжон Нуоров туманда биринчи култивацияни бошлаб берди. — Дадил ҳаракат қилганимиз иш берди, — дейди фермер. — Чигит тўлиқ ва текис униб чиқди. Бўғига парваришни бўшаширтмасак бўлгани.

Толибжон фермер асли иқтисодчи. Тошкент давлат аграр университетининг иқтисодий факультетини битирган. Ун йил давомида собиқ "Ўзбекистон" ҳўжалигининг бош иқтисодчиси сифатида назарий билимларини амалий иш билан обдон пишипти ва



2001 йили 10 гектар ерда "Нуоров Толибжон" фермер ҳўжалигини ташкил этди. Бугунги кунгача банкдан бир неча бор кредит олиб, уни ҳўжалигини кенгайтиришга сарфлади. Ҳозир 87,7 гектар майдонда пахта ва галла етиштиряпти.

СУРАТЛАРДА: (чапдан)

Дунгтепа қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Зарафшон Рашидов, фермер Толибжон Нуоров, техник хизмат кўрсатиш отряди бошлиғи Шодмон Ботировоғза низоҳатларини кўздан кечиришмоқда; култивация пайти.

Собир ЗУФАРОВ
олган суратлар.Вилоят
ҳаёти

БЕКОБОД ШАҲРИ

ОСТОНАСИ
ТИЛЛО
КЕЛИНЧАК

Шаҳар халқ таълими тизимида меҳнат қилаётган ёш педагоглар ўртасида "Остонаси тилло келинчақ" кўрик-танлови бўлиб ўтди.

Иштирокчилар педагогика, оила, оналик ва болалик каби шартлар бўйича беллашди. Билим, иқтидор, пазандалик маҳоратларини намойиш этган Махмуда Йўлдошева, Замира Носирова олий ўринга муносиб кўрилди. Биринчи ўрин Севара Алимова ва Фазилат Жомуродовага насиб этди.

Нигора МАХТУМКУЛИ
қизи.

АНГРЕН ШАҲРИ

СЕН БАРИБИР
МУҚАДДАССАН

Шаҳардаги вилоят педагогика институтига "Сен барибир муқаддассан, муқаддас аёл" кўрик-танлови бўлиб ўтди.

Тадбир аёлларимизнинг жамият ҳаётида қай даражада фаоллиги, уларнинг ёшлар тарбиясидаги ўрни, шунингдек, миллий қадриятларимиз, аиникса, ўзбек аёлига хос оилапарварлик, болажонлик, вафодорлик каби фазилатларнинг нечоғли аҳамиятли эканлигини кўрсатиб бериш мақсадида ташкил этилди.

Тадбирда институт педагогларидан Санъатхон Раҳимова, Раъно Мавлонова, Мохия Эрназарова, Раъно Урозова, Дилноза Шодиёва тўрт йўналиш бўйича маҳоратларини намойиш этишди.

Якуний натижаларга кўра Санъатхон Раҳимова кўрик-танлов ғолиби бўлди.

Нигина БОБОЕВА.

ЧОРАК ИШ
РЕЖАСИЗ ЎТДИ

Халқ депутатлари вилоят кенгаши қонунийлик, ҳўкук тартибот ва фуқаролар ҳақсизлигини таъминлаш масалалари бўйича доимий комиссиясининг ўқув-семинари бўлиб ўтди.

Машғулотда халқ депутатлари вилоят, шаҳар ва туман кенгашлари депутатларининг мақоми, ҳўқуқлари ва мажбуриятлари хусусида сўз юритилди. Депутат фаолиятининг асосий кафолатлари, ҳўқуқи, сўрови ва одоби каби мавзуларда қизикarli маърузалар тингланди. Тадбирда камчилик ва нуқсонлар ҳам тилга олинди. 2010 йилнинг биринчи чораги якунланганига қарамай, айрим шаҳар ва туман доимий комиссияларининг йиллик иш режалари хануз ишлаб чиқилмаган. Баъзи комиссияларнинг режалари эса умумий бандлардан иборат, юзаси тўзилган.

Барча депутатлар бирдек фаол ишлапти, деб бўлмади, — деди доимий комиссия раиси Баҳодир Тоғаев. — Айрим депутатлар, ҳатто, қайси комиссия аъзоси эканлигини билмаслиги кишини ранжитади. Жонбозлик билан ишлайдиган ҳозирги пайтда баъзи депутатларимизнинг хотиржамлиги ачинарлидир.

Хуришда НАЗАРОВА.

БУГУННИНГ ГАПИ

Мамлакатимизда муҳтарам Юртбошимиз раҳнамолигида юрт тинчилиги, Ватан равнақи, халқ фаровонлиги йўлида кенг қўламли ишлар олиб боришмоқда. Бу бордада озик-овқат ҳафсизлигини таъминлаш, бозорларини сифати озиқ-овқат, хусусан, қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари билан тўлдириш, аҳоли даромадларини кўпайтириш, бозорлардаги нарх-навоини асосий оширмаслик масалаларини ҳал этиш муҳим аҳамият касб этади. Айниқса, бутун дунёга мавжвий-иқтисодий инқироз сезиларли даражада таҳдид солиб турган бир пайтда бу ишларнинг аҳамияти янада ортмоқда.

Маълумки, аграр соҳада босқичма-босқич олиб борилган изчил ишловлар самараси туфайли ерга эгалик қилишнинг янги, замонавий шакли жорий этилиб, суғориладиган энг унмдор ерлар деҳқон ва фермер ҳўжаликлари тасарруфига берилди. Табиийки, бугун фермерлар юртимизда тўкинчилигини таъминловчи асосий қўчга айланди. Улар ўзларида катта масъулият ҳис этиб, ҳақиқий ватанпарварлик намуналарини кўрсатиб, янада астойдил меҳнат қилсалар, тинимсиз излансалар, ҳар бир қарич ердан юқори унм билан фойдалансаларгина юрт ишончини оқлаган, эл ризқига барака киритган бўладилар.

Муҳтарам Юртбошимизнинг озиқ-овқат маҳсулотларини кўпайтириш орқали нархларни арзонлаштириш ва пировард мақсад аҳолининг реал даромадини ошириб, турмуш фаровонлигини янада яхшилашга қаратилган фармон ва қарорлари ижросини таъминлашда томорқаларнинг аҳамияти бекиди.

ҲАР ҚАРИЧ
ЕР — ХАЗИНА

Томорқа — ҳар бир хонадоннинг асосий даромад манбаи ҳисобланади. Томорқасидан мақсадли, оқилона фойдаланган хонадонларда кишин-ёзин мўл-кўчилиги, тўкин-сочинлик ҳўкм суради. Бундай хонадонлар дастурхони ҳаммаша кут-баракалидир.

Вилоятимизда томорқа ерларида деҳқончилик маҳсулотлари етиштириш имкониятлари ниҳоятда кенг. Саховатли замин, қўлай об-ҳаво, етарли сув, табиий шарт-шароитлар деҳқонларимизнинг ҳаммаша мўл ҳўсил яратишлари учун асос бўлиб келган. Ота-боболаримиз анъаналарига амал қилиб, ҳар қарич ердан самарали фойдаланиб келаётган

омилкор хонадон соҳиблари оддий томорқа шароитида йилга 3-4 мартаба ҳўсил олмоқдалар. Шу туфайли даромадлари кўпайиб, қўркам уйлар қуришмоқда, тўйлар қилишмоқда.

Айни пайтда вилоятимизда мингдан ортқ маҳаллалардаги хонадон томорқаларида мева-сабзавот, картошка ва

ри, 150 минг тоннадан эпроқ картошка, 70 минг тонна атрофида мева, 50 минг 200 тонна узум етиштириш имкони бор.

Шахсий томорқа эгалари аҳолини нафақат сархил деҳқончилик, балки арзон гўшт ва сут маҳсулотлари билан таъминлашга ҳам салмоқли ҳисса қўша оладилар. Ҳозирги кунда вилоятимиз хонадонларида

502 минг 807 бош қорамол, шу жумладан, 238 минг 264 бош сиғир, 471 минг 596 бош қўй-эчки, қарийб 4 миллионга парранда парвариш қилинмоқда. Шу йилнинг ўтган уч ойи давомида томорқа эгалари аҳолига 39 минг 186 тонна гўшт, 87 минг 926 тонна сут, 34,5 миллион донга туҳум етказиб бердилар. Бу маҳсулотларнинг бир қисми тадбиркорлар томонидан қайта ишланмоқда.

Вилоятимиз пойтахт Тошкент шаҳрини ардоқ билан ўз қўчоғига олгандек ўраб турибди. Бу эса деҳқон ва фермерларимиз учун қанчалик шарафли бўлса, шунчалик масъулиятли ҳамдир. Шу маънода гўзал шахримиз бозорларини

ва аҳоли дастурхонини озиқ-овқат маҳсулотлари билан узлуқсиз таъминлаб туриш уларнинг устувор вазифасидир.

Албатта, хонадонларнинг томорқаларини мўмай ва барқарор даромад манбаига айлантиришда маҳаллий ўзини ўзи бошқариш идоралари, хусусан, маҳалла фуқаролар йиғини фаоллари амалий ҳисса қўшишлари лозим. Улар ташкилотчилик билан шахсий томорқа эгаларининг, аҳоли эҳтиёжи учун айнан зарур бўлган экан турларини оқилона жойлаштиришда бош-қош бўлсалар ва ерлардан самарали фойдаланишларини назорат қилиб босалар айни мўддао бўлур эди.

Нега деганда, афсуски, томорқа ерларининг қадрига етмаётган хонадон эгалари ҳам йўқ эмас. Улар ҳафсаласизлик, эътиборсизлик туфайли томорқасидаги шахсий унмдор ерларининг умрини беҳуда ўтказиб, ўз рўзгорларига барака қилириш, турмушларини тўкин-сочин қилишнинг тайёр имкониятларини бой бермоқдалар.

Асл деҳқонлар баҳорнинг ҳар қуни йили боқадди, дейдилар. Шундай экан, вақтни ғанимат билиб, экин-тикин ишларини қисқа мўддатларда тугатиб, экинларни оби-тобда парваришлаган омилкор борки, барака топади. Негаки, ҳар қарич ер бебаҳо ҳазина, баҳорнинг ҳар лаҳзаси ғанимат. Бинобарин, эрта эккан хирмон қилур, кечикканлар армон қилур.

МАЪНАВИЯТ

ҚУШ УЯСИДА
КЎРГАНИНИ ҚИЛАДИ

Миллатимизга хос бўлган ажойиб урф-одатларимиз, гўзал анъаналаримиз борки, уларнинг ёнига ўзимизга яраша ахлоқ-олабимиз ва эзгу фазилатларимизни қўшсак, ҳар бир инсонга зеб бўладиган етуқлик ва камолотни кўраимиз.

Биз фарзандлари-

миз тарбиясини умримизнинг бош масаласи, деб тушунамиз. Уларнинг келажиги учун моддий-маънавий масъулиятни доимо ҳис қилиб яшаймиз. Бунда ота-онанинг ибрат муҳим ўрин тутади. Чунки бола сиз билан биздан ҳам синчковроқ ва ҳушёрроқ. Унинг те-ран кўзлари ҳар бир хатти-ҳаракатини, ай-тилаётган яхши-ёмон сўзни тез илғаб олади. Натижада унда эса бунга мисоллар жуда кўп.

ли-я, ёмон томонларга қадамни бурса нима қиласиз?

Фарзанд тарбиясининг мураккаблиги шундаки, бола қадди-қоматиниғизни қандай тутишингиздан тортиб, бошқаларга муомалангиз қандайлигича кузатиб туради. Ишдан ёки бир юмшдан қайтиб келганингизда эрталабки ҳолатингизни болангиз қилиқларида кўриб тураверасиз. Ҳаётда эса бунга мисоллар жуда кўп.

(Давоми 4-бетда).

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг
ҚАРОРИБАНК ПЛАСТИК КАРТОЧКАЛАРИДАН
ФОЙДАЛАНГАН ҲОЛДА ҲИСОБ-КИТОБ
ТИЗИМИНИ РИВОЖЛАСТИРИШНИ
РАЎБАТЛАСТИРИШ БЎЙИЧА ҚЎШИМЧА
ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши 1-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси билан ҳамкорликда аҳоли билан пул ҳисоб-китобларини амалга оширадиган ва ҳисоб-китоб терминаллари билан жиҳозланиши шарт бўлган объектлар фаолияти устидан мунтазам мониторинг ўтказсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки:

Ўзбекистон банклар ассоциацияси билан биргаликда тижорат банкларининг сўм-ли банк пластик карточкалари орқали нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тўлов тизимида миқдорларга хизмат кўрсатиш бўйича тасдиқланган ягона тарифларга риоя қилиши устидан тизимли мониторинг ўрнатсин;

тижорат банкларининг ягона тарифларга риоя қилмаслиги бўйича аниқланган ҳолатлар юзасидан уларни зудлик билан бартараф этиш чораларини кўрсин, шунингдек, тарифлар ошишига йўл қўйган тижорат банкларга нисбатан қонунчиликда кўзда тутилган санкцияларни қўлласин.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 3 августда қабул қилинган "Пластик карточкалар асосида нақд пулсиз ҳисоб-китоб тизимини янада ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги 433-қарорининг 1-банд иккинчи абзаци, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 24 сентябрда қабул қилинган "Пластик карточка-

лар асосида ҳисоб-китоб қилиш тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 445-қарорининг 7-банди ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 12 июлда қабул қилинган "Банкларнинг капиталлашувини янада ошириш ва иқтисодиётни модернизациялашдаги инвестиция жараёнида уларнинг иштирокини фаоллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 670-қарорининг 7-бандида кўзда тутилган солиқ ва боғжона имтиёзларига амал қилиш муддати 2012 йилнинг 1 январига узайтирилсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг айрим қарорлари-га 3-иловага мувофиқ ўзгартишлар киритилсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Молия вазирлиги, Адлия вазирлиги ва бошқа манфаатдор вазирлик ҳамда идоралар билан биргаликда бир ой муддатда:

Вазирлар Маҳкамасига қонунчиликка мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида таклифлар киритсин;

идоравий меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг мазкур қарорга мувофиқлаштирилишини таъминласин.

10. Мазкур қарор ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р. С. Азимов ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банки раиси Ф. М. Муллахонов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
2010 йил 19 апрель.

ГАЗЕТА ВА ГАЗЕТХОН

Газетанинг қанчалик ўқишли чиқаётгани, жамият ҳаёти қай даражада акс этаётгани бир қанча омилларга қараб белгиланади. Шулардан энг асосийси тахририятга келаётган хатлар оқими дур.

"Тошкент ҳақиқати" почтасига ўнлаб мактублар келади. Улар турли мавзуда. Кимдир бугун юртимизда олиб борилаётган ислохотлар самараси, соҳаларда эришилаётган ютуқлар ҳақида қўзғолса, яна кимдир ижтимоий ҳаётга рўй бераётган воқеа-ҳодисалар

ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини йўлайди. Айрим ўқувчилар ўз ижод маҳсуларини иланишлар. Қуюнчак муштайлар эса жойлардаги муаммо ва камчиликларга эътибор қаратишади.

Тахририят ижодкорлари ҳар бир мактубга масъулият билан қараб, хатда кўтарилган мавзу ёху мулоҳазаларни газета саҳифаларида имкон қадар ёритишга ҳаракат қилади. Қўйида шундай мактублардан айримларини эътиборингизга ҳавола этамиз.


Беш яшар набирам бор. Телевизор деса, ўзини томдан ташлайди. Катталар учунми ё болалар учунми, фарқи йўқ, қандай кўрсатув ёки фильм бўлишдан қатъи назар, ётиб олиб кўради. Бунинг хурсана бўладиган жиҳати шуки, фильм ва сўзлашув қобилияти ўз ёшига нисбатан тез ривожланмоқда. Бирор нарса ҳақида сўрасангиз, катталардек жавоб беради. Бу эриш туюлсада, ҳаётга қизиқиш ва кўникмалари тез шаклланаётганидан қувонаман. Аммо, масаланинг нозик тарафи шундаки, набирам баъзан ёшига ярашмайдиган гаплар айтади.

БЕШ ЁШЛИ
«МЎЙСАФИД»

Хозир телеэкранда "Туташ тақдирлар" сериали намойиш этилаётган. Унда ижтимоий ҳаётда учрайдиган муаммолар акс эттирилмоқда. Барча қаҳрамонлар набирамга ёд бўлиб кетган. Энг таъсир қилган жиҳати шундаки, ундаги қайси йигит қайси қизни севиши, қайси қиз, қайси йигит билан юриши-ни ипидан игнасигача эсдан чиқармайди.

Шу ўринда мулоҳаза туғилади. Телевидение орқали берилётган сериаллар ва баъзи фильмлар болаларнинг фикрлаш қобилияти, муомала маданиятини ўстириш билан бирга уларга салбий таъсир кўрсатиши, ўта нозик масала ҳисобланган севги, муҳаббат ҳақидаги тушунчалари эрта ўйғонишига ва кейинчалик бу мавзуга

ҚАРОР ВА ИЖРО



ТЕРМИНАЛЛАР АҲОЛИ ХИЗМАТИДА

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш жойлардаги молиявий муассасалар зиммасига ҳам катта масъулият юклайди. Шундан келиб чиқиб, "Ипотекабанк"-нинг Оҳангарон филиали кичик бизнес субъектлари фаолиятини ривожлантиришни молиявий қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратмоқда.

— Шу мақсадда йил бошида аниқ иш дастури ишлаб чиқилди, — дейди филиал бошқарувчиси У. Хотамов. — Йил давомида тадбиркорлик субъектларига 6 миллиард 955 миллион сўм миқдорда кредит ажратилиб кўрилатирилган. Йилнинг ўтган

чорагида 996 миллион сўм ўрнига 1 миллиард 226,1 миллион сўм кредит берилди. Бу маблағларнинг бир қисми тадбиркор аёлларни ва "Баркамол авлод йили" Давлат дастури доирасида ёш оилаларни қўллаб-қувватлашга йўналтирилди. Аҳолига қулайликлар яра-

тиш, нақд пулнинг банк орқали айланишини таъминлаш мақсадида 14 минг 300 та дан зиёд пластик карточка тарқатилди. Шунингдек, савдо, маиший хизмат, тиббиёт ва коммунал хизмат соҳаларида 130 дан зиёд терминаллар ўрнатилди. СУРАТДА: банкнинг иқтисодиёт тармоқларини кредитлаш бўлими етакчи мутахассиси Равшан Эрматов ва бошқарувчи ўринбосари Зафар Омонов иш устида.

ХАМКОРЛИК

САМИМИЙ УЧРАШУВ

Юртимизда меҳмон бўлиб турган Корея республикаси ички ишлар вазирлиги масъул ходимлари вилоят ички ишлар бошқармасига ташриф буюрди.

«Белдерсёй» меҳмонхонасида бўлиб ўтган суҳбат чоғида меҳмонлар вилоятимиз тарихи ва бугунги кўни билан таништирилди.

Таъкидлаш жоизки, бугун вилоятда 6 та Ўзбекистон-Корея қўшма корхонаси, 23 та корейс хусусий фирмалари муваф-

фақиятли ишлаб турибди. Учрашувда вилоятда тинчлик ва оқолишларнинг асраш, фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш, жамоат тартибини сақлаш юзасидан ички ишлар органлари олиб бораётган ишлар ҳақида сўз юритилиб, ҳуқуқ-тартибот идоралари билан кенг

жамоатчилик ҳамкорлиги масаласига алоҳида тўхталинди. Ички ишлар идораларига номзодлар қабул қилиш тартиби, ходимларнинг билим ва маънавиятини ошириш ҳамда турли хизматлар ўртасида йўлга қўйилган ҳамкорлик тизими меҳмонларда кучли қизиқиш уйғотди.

Корея республикаси ички ишлар идораси етакчи мутахассиси жаноб Ох

Жеом Кун самимий учрашув учун миннатдорчилик билдириб, вилоят ички ишлар идоралари ходимларининг тинчликни асраш, жиноятчиликка қарши кураш ва фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш борасидаги хизмат фаолиятларида муваффақият тилади.

Суҳбат якунида меҳмонларга ўзбек миллий кийимлари ва эсдалик совғалари топширилди.

Хуриш РЎЗИБЕВ.

«СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ – ТИНЕ – 2010» КЎРГАЗМАСИ

"Ўзэкспомарказ"да "Соғлиқни сақлаш – ТИНЕ – 2010" халқаро кўргазмаси иш бошлади. Тадбир Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Савдо-саноат палатаси, "Ўзбихимтехника" масъулияти чекланган жамияти, Республика стоматологлар уюшмаси, ITE Uzbekistan халқаро кўргазма компанияси ҳамкорлигида ташкил этилди.

Президентимизнинг "Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш ва уни ривожлантириш Давлат дастурини амалга оширишнинг асосий йўналишлари тўғрисида"ги фармони бу борадаги ишларни юқори босқичга олиб чиқишда муҳим дастуриямал бўлаётган. Ушбу ҳужжатга биноан, барча вилоятларда ягона стандартлар асосида хизмат кўрсатувчи кўп тармоқли тиббиёт марказлари, шаҳар ва туманларда тиббиёт бирлашмалари ташкил этилди. Вилоятлар-

да замонавий тиббий диагностика марказлари ишга тушди. Иқтисослашган шифо масканлари тармоғи кенгаймоқда. Бундай ишлар аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, оғир соғлом фарзанд туғилиши ва камолга етишини таъминлаш, оналик ва болаликни муҳофазалашда яхши самаралар бераётган.

Аънавий тарзда ташкил этилаётган мазкур кўргазма тиббиёт ускуналари, фармацевтика, эстетик тиббиёт ва стоматология соҳасидаги энг сўнгги ютуқларни намойиш этиш, таж-

риба алмашиш, тиббиёт тизимини эриштилаётган янгиликларни оммалаштиришга хизмат қилмоқда. Бу йилги кўргазмада йигирма беш мамлакатдан 145 компания вакиллари иштирок этмоқда. АКШ, Буюк Британия, Венгрия, Германия, Хиндистон, Италия, Хитой, Россия, Туркия, Украина, Япония, Жанубий Корея ва бошқа мамлакатлардан келган компаниялар энг янги технология ва дори-дармонларни намойиш этмоқда.

Бир ҳафта давом этадиган тадбир доирасида тиббиётнинг турли соҳалари-га оид долзарб масалаларга бағишланган илмий анжуманлар ҳам бўлиб ўтади.

Баҳор ХИДИРОВА,
ЎЗА мухбири.Тошкент вилояти Молия бошқармаси мактабгача таълим муассасаларига
марказлашган тартибда мебель жиҳозлари ва компьютер эҳтиёт
қисмларини етказиб бериш бўйича танлов эълон қилади.

Мебель жиҳозлари бўйича:

Лот-1. Икки ўриндиқли болалар стул ва стол жиҳози 200 дона.
Лот-2. Тўртта ўриндиқли болалар стул ва стол 200 дона.
Лот-3. Болалар каравотлари тўшаклари билан 320 дона.
Жиҳозларни харид қилиш суммаси 3-Лот бўйича 82 742 000 сўм бўлиб, тўлов кафолатланади.
Компьютер эҳтиёт қисмлари бўйича:
Лот-1. Тонер HP 1010 (HP 1020) – 220 дона.

Харид қилиш суммаси 17-лот бўйича жами 34 565 000 сўм бўлиб, тўлов кафолатланади.

Тошкент вилоятида жойлашган халқ таълими муассасалари (мактаблар) компьютерларини сақлаш ва жорий таъмирлаш бўйича умумий суммаси 127 107 000 сўм миқдориди бўлиб, тўлов кафолатланади.

Мебель, компьютер эҳтиёт қисмлари ва компьютерларни сақлаш ва жорий таъмирлашни бюджет маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Талабгор сифатида иштирок этаётган корхона ва ташкилотлар қуйидаги талабларга мос келиши керак: ишлаб чиқариш базала-

Лот-2. Тонер HP 1200 (HP 1300) – 25 дона.
Лот-3. Селеновый вал HP 1010 (HP 1020) – 200 дона.
Лот-4. Селеновый вал HP 1200 (HP 1300) – 25 дона.
Лот-5. Ракель HP 1010 (HP 1020) – 50 дона.
Лот-6. Резиновый вал (HP 1010) – 50 дона.
Лот-7. Флешка 2 ГБ – 150 дона.
Лот-8. Термоплёнка HP 1010 (HP 1020) – 58 дона.

Лот-9. Термоплёнка HP 1200 (1300) – 25 дона.
Лот-10. Картридж для HP 1010 (HP 1020) – 18 дона.
Лот-11. Картридж для HP 1200 (1300) – 7 дона.
Лот-12. Тонер SAMSUNG 1710 – 50 дона.
Лот-13. Селеновый вал SAMSUNG 1710 – 50 дона.
Лот-14. Клавиатура – 200 дона.
Лот-15. Мышь оптическая – 200 дона.
Лот-16. DWD-RW – 50 дона.

ри, ишлар (буюртмалар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассислар мавжудлиги, танловда эълон қилинган мебель жиҳозларга ўхшаш жиҳозларни ишлаб чиқарганлик, компьютерларни сақлаш, жорий таъмирлаш бўйича тажриба ва кўникмаларга, шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқатга эга бўлишлари лозим.

Танлов ташкилотчиси – Тошкент вилояти ҳокимлиги Молия бошқармаси "Халқ таълими муассасаларини молиялаштириш" бўлими.

Буюртмачи манзили: Тошкент шаҳри, Амир Темур шоҳқўчаси, 15-уй. Тел/факс: (8371) 232-44-38.

2010 ЙИЛ – БАРКАМОЛ АВЛОД ЙИЛИ

Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди томонидан ташкил этилган "Республика ҳудудий босма оммавий ахборот воситаларида фаолият юритаётган ёш журналистларнинг марказий нашрларда малака ошириши" лойиҳаси якунланди.

ЁШ ЖУРНАЛИСТЛАР
ЎҚУВИ ЯКУНЛАНДИ

"Баркамол авлод йили" Давлат дастури доирасида ташкил этилган мазкур лойиҳада Тошкент ва Сирдарё вилоятининг ёш журналистлари мамлакатимизнинг етакчи нашрлари ва ахборот агентликларида малака ошириди.

Улар бир ҳафта давомида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси, Олий Мажлис ҳузуридаги нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди маблағларини бошқариш бўйича Парламент комиссияси, Ўзбекистон экологик ҳаракати, Журналистлар ижодий уюшмаси, Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти ва бир қатор олий таълим даргоҳларидаги учрашув, семинар ва давра суҳбатларида иштирок этди.

Тадбирлар давомида фуқаролик жамиятини шакллантириш жараёнида оммавий ахборот воситаларининг масъулиятли ва зифалари, минтақавий нашрлар фаолиятини замоний журналистиканинг талаб ва меъёрлари асосида такомиллаштириш юзасидан фикр алмашилди.

— Газетани ҳам мазмунан, ҳам дизайн жиҳатдан замон талаблари даражасига кўтариш борасида катта амалий тажриба орттирди, — дейди Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндори, Сирдарё вилоятидаги "Адолат кўзгуси" газетаси муҳбири Ситора Борлибоева. — Ўрганган билим ва тажрибамиз газетамиз ишини янада яхшироқ ташкил этишда асқотиши шубҳасиз.

Назкат УСМОНОВА,
ЎЗА мухбири.

Юнусобод тумани Тadbиркорлик субъектларини ўйхатдан ўтказиш инспекцияси томонидан 14.11.2008 йилда № 004245-10 ёестр рақам билан ўйхатга олинган ИНН 300983676 Y U L D U Z "AYDAZOVA" хусусий корхонасидан тасуулияти чекланган жамиятига тгиллигини маълум қилди.

МАЙДОНДА ТИББИЁТ ХОДИМЛАРИ

Чиноз туманидаги қишлоқ ҳўжалиги ва тадбиркорлик касб-хўна коллежида тиббиёт ходимлари ўртасида минни футбол бўйича ҳудудий мусобақалар бўлиб ўтди.

У вилоят касаб ва спорт жамоалари ҳисобини тарбия ва спорт жамоалари кенгаши ҳамда вилоят соғлиқни сақлаш ходимлари касаб ва спорт жамоалари кенгаши ташаббуси билан ўтказилди.

Мусобақада ҳар бир ҳудуддан жамоалар иштирок этди. Якуний натижаларга кўра, биринчи ўрин Юқоричирчиқ тумани жамоасига насиб этди. Оққўрғонлик шифокорлар иккинчи ўринни эгаллашди. Меҳмон жамоа учинчи ўрин билан қиёқланди.

Ғолибларга ташкилотчиларнинг фажрий ёрлик ва эсдалик совғалари топширилди.

Феруза Тўраева.

СУРАТДА: мусобақа пайти.

Даврон АХМАД олган сурат.



Спорт

«БУНЁДКОР» КУБОКНИ КЎЗЛАМОҚДА

Футбол бўйича Ўзбекистон кубогининг нимчорак финалига чиқиш учун ўтказилган баҳсада Тошкентнинг «Бунёдкор» жамоаси биринчи лига вакили «Бухоро» жамоаси устидан 2:0 ҳисобидан зафар қўчди.

Ўз муҳлислари гувоҳлигида тўп сурган бухороликлар ҳимоявий ўйин усулини танлаб, Луиз Фелипе Сколари шогирдларига жиддий қаршилик кўрсатди. Дастлабки бўлим охирида Сервер Жепаров ва Темур Копалеве уюштирган ҳужумни Стевица Ристич муваффақиятли якунлади. Ўйиннинг иккинчи ярмида Ривалдо «Бухоро» дарвозасини иккинчи маротаба ишғол қилди.

Нимчорак финалга йўлланма олган «Бунёдкор» навбатдаги учрашувда Қаршининг «Насаф» жамоаси билан рақобатлашди.

Зоҳир ТОШҲУАЕВ,
ЎЗА шарҳловчиси.

ЎЗГИ БИАТЛОНЧИЛАР БАҲСИ

Чирчиқ шаҳрида Ўзбекистон биринчилиги якунланди.

Ўзбекистон мудофасага қўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилотининг Республика техник ва амалий спорт турлари марказидан хабар қилишларича, эркалар ўртасида 4,6 минг метрга югуриш ва пневматик милтиқдан отишда жиззахлик А. Юнусов, самарқандлик А. Каримов ва наманганлик Д. Қурбоналиев ғолиб чиққан.

Хотин-қизлар ўртасида 3,5 минг метрга югуриш ва пневматик милтиқдан отишда ҳоразмлик Д. Рўзметова, самарқандлик А. Аюпова ва наманганлик А. Древева тенг келадиган топилмади.

Наманган вилояти вакиллари умумжамоа ҳисобида биринчи, ҳоразмликлар иккинчи, самарқандликлар эса учинчи ўринни қўлга киритди.

Х. САЛИМОВ,
ЎЗА мухбири.

Chevrolet NIVA Ҳақиқий автомобилнинг янги кўриниши



Расмий дилер: «SANA» хусусий корхонаси. www.sana.uz

Тошкент ш. У. Носир к. (мўлжал – Жанурий вокзал, Кичик халқа йўли) тел.: (+99871) 140-00-61, (+99890) 317-67-97, 325-88-87.

Бунорта асосида

CHEVROLET

ЎЙЛАБ ТОПИЛМАГАН ҲИКОЯЛАР

Шаҳар биқинидаги қишлоқдан ишона-гача роса уч қачирим йўл. Бу йўл авваллари тўпикарига уралиган тўпик бўларди. Ҳозир биқинида шағал тўшалган, бир қисми асфальтланган. Қишнинг аёзли кунларида ҳам, саратоннинг қуёш олов пурқаб турган пайтларида ҳам шу йўлдан юраман. Ҳа, бу йўлнинг забони йўқ, лекин менга жигармак яқин бўлиб қолган. Икки-уч кун уйдан чиқмай қолсам, шу йўлни қўймай бошлайман. Нега шундай, билмайман.

Умрим давомида э-ҳе, қанча йўл босмадим, қай манзили вақтинча макон топмадим. Қанча нотаниш йўллари гоҳ пиё-да, гоҳ уловда юриб ўтмадим. Бироқ бутун мазмунли ҳаётимни ўз бағрига олган ишона ва унга элтувчи йўл бўлак экан. Ахир шу йўлда не-не воқеа-ҳодисаларнинг гувоҳи бўлганман. Не-не жумбоқларга жавоб топганман, турфа феъл-атворни одамларга рўбарў келганман. Бирига суянганман, бирини суянганман, бирдан қувонганман, бирдан ранжиганман. Улар менга барибир яқинларим бўлиб қолаверган. Оз фурсат қўймасам, ўша азизларимни соғинаман, ич-ичимдан қўймайман. Бисангиз, уларни йўқотиб қўйишдан қўрқаман. Нега шундай, билмайман.

ЯХШИЛИК СОҒИНИШ ЯШАМОҚ БАҲСИ

— Ука, мен ҳам дўконни ташлаб, қочадиган анойилардан эмасман.

Иккимиз бутунлай бошқа-бошқа ҳаёлда қулиб қўямиз...

ЗАВҚКА ЙЎҒРИЛГАН ҲАЁТ

Шу йўл шаҳар ичидаги илон изи каналнинг қирғоқ бўйини ҳам ўз ичига олади. Мен қатори қишлоқдошларим ҳам шаҳарга ишга шу қирғоқ бўйидан қатнайди. Сабаби – раво ва яқин. У қишнинг ёзин йўловчилар билан гавжум. Канал ёқаси эмасми, бўй чўзган мизра-терзалар соясида, айниқса, ёзда юриш мароқли.

Маҳалламиздаги Латифа исмли аёл ҳар кун мириб-лар шаҳарчасига ишга қатнайди. У пиёда, мен велосипеднинг сим тўрли орқа юк хонасига халталардан бирини жойламоқчи бўламан. У эътироз билдирди:

— Ҳа, ишгами, синглим?

— Ассалому алайкум, ака, келиноийм тузуқмилар?.. Ишга бориб келай...

Бу гал қўлда икита зилдек халта. Фаҳмладимки, ишхонада ўрта қозон бутун шу аёлнинг ҳиммати билан қайнайди. Ёнида тўқтайман, велосипеднинг сим тўрли орқа юк хонасига халталардан бирини жойламоқчи бўламан. У эътироз билдирди:

— Ҳа, ишгами, синглим?

— Ассалому алайкум, ака, келиноийм тузуқмилар?.. Ишга бориб келай...

Бу гал қўлда икита зилдек халта. Фаҳмладимки, ишхонада ўрта қозон бутун шу аёлнинг ҳиммати билан қайнайди. Ёнида тўқтайман, велосипеднинг сим тўрли орқа юк хонасига халталардан бирини жойламоқчи бўламан. У эътироз билдирди:

— Ҳа, ишгами, синглим?

— Ассалому алайкум, ака, келиноийм тузуқмилар?.. Ишга бориб келай...

Бу гал қўлда икита зилдек халта. Фаҳмладимки, ишхонада ўрта қозон бутун шу аёлнинг ҳиммати билан қайнайди. Ёнида тўқтайман, велосипеднинг сим тўрли орқа юк хонасига халталардан бирини жойламоқчи бўламан. У эътироз билдирди:

— Ҳа, ишгами, синглим?

— Ассалому алайкум, ака, келиноийм тузуқмилар?.. Ишга бориб келай...

Бу гал қўлда икита зилдек халта. Фаҳмладимки, ишхонада ўрта қозон бутун шу аёлнинг ҳиммати билан қайнайди. Ёнида тўқтайман, велосипеднинг сим тўрли орқа юк хонасига халталардан бирини жойламоқчи бўламан. У эътироз билдирди:

— Ҳа, ишгами, синглим?

— Ассалому алайкум, ака, келиноийм тузуқмилар?.. Ишга бориб келай...

Бу гал қўлда икита зилдек халта. Фаҳмладимки, ишхонада ўрта қозон бутун шу аёлнинг ҳиммати билан қайнайди. Ёнида тўқтайман, велосипеднинг сим тўрли орқа юк хонасига халталардан бирини жойламоқчи бўламан. У эътироз билдирди:

— Ҳа, ишгами, синглим?

МАЪНАВИЯТ

ҚУШ УЯСИДА КЎРГАНИНИ ҚИЛАДИ

...Маҳкамбой акани ҳамма камтарин ва хушмуомала, ҳаммаша юзи очик инсон сифатида эслайди. У одам катта лавозимларда ишлаган пайтларда ҳам қўли кўксидан тушмас, мурожаат қилган одамнинг дарров қўлтиғидан оларди. Йиллар ўтиб, отанинг яхши фазилатлари фарзандларга ўтди. Уларнинг юриш-туришида, муомаласи ва суҳбатда Маҳкамбой аканинг нафаси эшитилиб тургандек бўлади. Айниқса, қўлларини кўксига қўйишганида ибрат мактабининг ёруғ йўлини бахтиёр ҳис қиласиз.

Афсуски, ота-онанинг ёмон қилиқлари ёки одатлари фарзанддан фарзандга ўтаётганлиги ҳақида ҳам мисоллар оз эмас.

Хизмат тақозоси юзасидан бир онахон билан суҳбатлашдик. Тўғрироғи, оиласидаги келишмовчиликларни ҳал этиш учун жўяли маслаҳат сўраб келибди.

(Давоми. Боши 1-бетда).

Онанинг ҳасратини тинглаб туриб, тарбиянинг нақадар нозик томонлари кўп эканлигига яна бир бор иқдор бўласиз.

— Катта ўғлимни анчагина димоғдор, сал кеккайган бир аёлнинг қизига уйлантирдим, — дейди онахон ўтган кунларини эслаб. — Келин дастлабки кунлариданоқ ўғлимни менсимай, унга совуқ муомала қилиб, ўзича жуда мағрур эди. Мен унга бир неча бор: «Болам, аёл кишининг мағрурлиги унинг бахтсизлигидир, сал камтарин бўлиб, эрингизни ҳурмат қилинг, бир гапдан қолинг», деб чарчадим. Йўқ, ўзи билганидан қолмади. Бўёғини айтсам тилим қуяди, айтмай десам... Ўғлимнинг икки қизини, яъни невараларимни турмушга бердик. Тарбияни кўпроқ онасидан олган экан, иккаласининг ҳам турмуши бузилди. Сабаб ўша, калондимоғлик, эрни менсимаслик, ўзича мағрурлик... Бундоқ ўйлаб қарасам, онахон, онахон ёмон фазилати учинчи

авлодда ҳам яшайпти экан.

Онахоннинг сўзини тинглаб экансиз, тарбия у хоҳ яхши бўлсин, хоҳ ёмон — илдиз отиб кетиши ва унинг ҳосили ҳам шунга яраша бўлиши бор гап эканлигига яна бир қарра ишонч ҳосил қиламиз.

Эсимда, бир дўстимиз касалхонадан даволаниб чиққан, куз кунларининг бирида беш-олти оғайни ҳол-аҳвол сўрашга бордик. Суҳбат билан анча вақт ўтказдик. Хайрлашиб, оёқ кийимларимизни кийиш учун даҳлизга чиқдик. Не қўз билан қўрайликки, туфиларимиз лойдан тозаланиб, чўтка билан мойланиб ҳам қўйилибди. Ёки шундай оиналар борки, меҳмондорчиликдан туриб, ҳовлига чиқишингиз билан қўлингизга эккан гулларидан, қўпинча бир тутам райхон туттишди. Бундан ҳамманинг баҳридли очилиди.

Дарҳақиқат, тарбиянинг шундай чиройли кўринишлари борки, ундан дил ярайди. Отам қўпинча, Юртбошимиз-

нинг давраларга кириб келишида доимо қўлини кўксига қўйишини мактаб ўтирадилар ва бизларга:

— Биров билан суҳбатлашаётганда ёки унинг сўзларини эшитганда қўлларинг кўксиларингизга бўлса, меҳр туғилади, — деб тайинлайдилар.

Тарбия эсга тушганда қилинадиган иш эмас. У кундалик ҳаётимизда, юриш-туришимизда, гап-сўзимизда, хатти-ҳаракатимизда бўй кўрсатиб туради. Оила тарбияси мустаҳкам бўлса, ўғил-қизларимизнинг келажаги ёруғ, йўллари узун бўлади. Ахлоқ-одобимиз, иззат-ҳурматимиз фақат яхшиликка ҳайитимизда. Ёки тарбиянинг гарчи, оиладаги ўрнини баъзан тўғри баҳолай олмасакда, ота-боболаримиздан қолган бир мақоли ҳеч қачон ёддан чиқармаслигимиз керак: «Қуш уясида кўрганини қилади».

Уямиз — оиламиз эса инсон етуқлик сари қадам босадиган муқаддас оstonадир.

Ҳамид НОРҚУЛОВ.

КЎРГАЗМА

УЮШМА ФАОЛИЯТИГА БАҒИШЛАНДИ

Пойтахтимиздаги Ёшлар ижод саройида Ўзбекистон рассомлари, санъатшунослари ва халқ усталари «IJO» уюшмаси ижодкорларининг асарлари кўргазмаси ташкил этилди.

Миллий санъатимизни янада равақ топтириш, соҳада эришилган ютуқ ва янгиликларни юртимиз ва халқимизга таништириш мақсади билан «IJO» уюшмаси ижодкорларининг асарлари кўргазмаси ташкил этилди.

Жамғарма томонидан 2009 йилнинг апрель ойида ташкил этилган Ўзбекистон рассомлари, санъатшунослари ва халқ усталарининг «IJO» уюшмаси юртимиз санъатини янада равақ топтириш, бу борадаги илғор ғоя ва

ташаббусларни қўллаб-қувватлашдек эзгу мақсадларни кўзда тутди. Бир ой давом этадиган мазкур кўргазмада тасвир ва амалий санъатнинг барча турларини қамраб олган беш юздан зиёд ижодий иш томошабинлар эътиборига ҳавола этилган. Айни пайтда бу ерда инсталляция, видеоарт, фотоколлаж сингари замонавий санъат йўналишида яратилган ишлар билан ҳам танишиш мумкин.

Назозат УСМОНОВА,
ЎЗА мухбири.

РАССОМ ХАНДАСИ



Хусан СОДИҚОВ чизган расм.

Считать недействительным устав и утеренное свидетельство о регистрации (губонома) № 000911, выданное инспекцией по государственной регистрации субъектов предпринимательства Собир Рахимовского района от 17.06.2005 года обществу с ограниченной ответственностью «KAFOLAT TRAST».

Утеренную лицензию на право торговли 031303 (регистр. № 4659), выданную хокимиятом Учтептинского района на имя Маджитовой Умиды Амановны, СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА
Муассис:
Тошкент вилояти ҳокимлиги

Бош муҳаррир
Убайдулла
АБДУШОҲИДОВ

Манзилими: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.
Телефонлар:
Хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 236-55-54.
Эълонлар: 236-55-03, 236-53-54.

Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.
Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилиб ва саҳифаланди.

Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

Навбатчи муҳаррир
Сайёра РИХСИЕВА
Навбатчи
Хуршида ТУРСУНБОВЕВА
Саҳифаловчи
Тоҳир МАҲМУДУЛҲАЕВ

Хафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади.

Буюртма Г-340.

Адади 10207.

Ҳажми — 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2.

ISSN 2010-9318.

Белгилли материаллар — тижорат материаллари. «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Корхона манзили: «Буюк Тўрон» кўчаси, 41-уй. Нашр кўрсаткичи — 205. Босишга топшириш вақти — 20.00. Босишга топширилди — 19.00. 1 2 3 4 5